



2016 у.г. «6» феврал № 253-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

“ISTAD PO’LAT” масъулияти чекланган жамиятига “Қайнама” кишлоқ фуқаролар йиғини “Қайнама” маҳалласидаги мавжуд саноат базаси худудидан музлатгич омборхонаси қуришга рухсат бериш тўғрисида

Тумандаги “ISTAD PO’LAT” масъулияти чекланган жамияти туман ҳокими номига туман ҳокимининг 2015 йил 24 ноябрдаги 1529-Қ сонли “Тумандаги “Қайнама” кишлоқ фуқаролар йиғини “Қайнама” маҳалласида жойлашган саноат базаси бино, иншоотларига эгалик қилиш ҳамда эгаллаб турган ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини “ISTAD PO’LAT” масъулияти чекланган жамиятига бериш тўғрисида”ги қарори асосида фойдаланиш ҳуқуқи берилган ер майдони ҳисобидан музлатгич омборхонаси қуришга рухсат беришни сўраб ёзган хати, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертиза хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20 моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “ISTAD PO’LAT” масъулияти чекланган жамиятига “Қайнама” кишлоқ фуқаролар йиғини “Қайнама” маҳалласи худудидан ўзига тегишли 2.33 га ер майдони ҳисобидан майдони 540 м.кв музлатгич омборхонаси қуришга рухсат бериш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “ISTAD PO’LAT” масъулияти чекланган жамиятига музлатгич омборхонаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров